



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ЎЗТЎҚИМАЧИЛИКСАНОАТ УЮШМАСИ

**“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳалларда истиқомат қилувчи 18-30 ёшдаги ёшлар ўртасида “Тикувчилик” танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Беш ташаббус олимпиадаси” 2023 йил мавсумини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган 22-сонли йиғилиш баёни ҳамда 2023 йил 1 июндаги 103-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзтўқимачиликсаноат уюшмаси (биргаликда Томонлар деб юритилади) **қарор қилади:**

1. Томонлар ўртасида имзоланган “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи 18-30 ёшдаги ёшлар ўртасида “Тикувчилик” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6.6-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“6.6. Туман (шаҳар), ҳудудий ва республика босқичларида ғолиблар қуйидагича тақдирланади:

**Туман (шаҳар) босқичи:**

**I ўрин** – танловнинг ҳудудий босқичига йўлланма;

**II ўрин** – 2 млн. сўмгача;

**III ўрин** – 1,5 млн. сўмгача;

**охирги ўрин** – 1 млн. сўмгача тикувчилик касби бўйича асбоб-ускуналар;

**Ҳудудий босқич:**

**I ўрин** – танловнинг республика босқичига йўлланма;

**II ўрин** – 3,5 млн. сўмгача;

**III ўрин** – 3 млн. сўмгача;

**қолган барча иштирокчилар** – 2,5 млн. сўмгача тикувчилик касби бўйича асбоб-ускуналар;

**Республика босқичи:**

**I ўрин** – 100 млн. сўм;

**II ўрин** – 75 млн. сўм;

**III ўрин** – 50 млн. сўм;

**қолган барча иштирокчилар** – 15 млн. сўм пул маблағи билан тақдирланади”.

Бунда, республика босқичидаги иштирокчи ёшларни рағбатлантириш тўловларидан даромад солиғи ушлаб қолиниб, аризачининг банк пластик картасига ўтказиб берилади.

2. Мазкур қарор имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Ф. Абляров зиммасига юклатилсин.

**Ёшлар ишлари агентлиги**  
директори

Тошкент ш.,  
2023 йил " 9 " - август  
01-07/09 -сон



**А. Саъдуллаев**

**Ўзтўқимачиликсаноат**  
уюшмаси раиси

Тошкент ш.,  
2023 йил " 9 " - август  
13 -сон



**М. Джуманиязов**